

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАХМЕДОВА ДИЛФУЗА МАРУФОВНА

**МУДДАТИГА ЕТМАЙ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА РЕСПИРАТОР
ДИСТРЕСС-СИНДРОМИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09-Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Мирзахмедова Дилфуза Маруфовна

Муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор дистресс-синдроми ва унинг оқибатлари ривожланишининг клиник-биокимёвий жиҳатлари.....3

Мирзахмедова Дилфуза Маруфовна

Клинико-биохимические аспекты развития респираторного дистресс-синдрома и его исходов у недоношенных детей.....19

Mirzakhmedova Dilfuza Marufovna

Clinical and biochemical aspects of the development of respiratory distress syndrome and its outcomes in premature babies35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МИРЗАХМЕДОВА ДИЛФУЗА МАРУФОВНА

**МУДДАТИГА ЕТМАЙ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАРДА РЕСПИРАТОР
ДИСТРЕСС-СИНДРОМИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-БИОКИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09-Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Tib1087 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика иختисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салихова Камола Шавкатовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Агзамова Шоира Абдусаломовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Дильмурадова Клара Равшановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузурдаги DSc 04/30.12.2019.Тиб.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «14» декабрь кунини соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 348 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «4» декабрь кунини тарқатилди.
(2021 йил «4» декабрь даги 119 рақамли реестр баённомаси).



А.В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н.Хантов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қопидаги илмий семинар раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси

Диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурати. Дунёда гўдаклар ўлимининг энг юқори хавфи ҳаётининг биринчи ойида кузатилганлиги сабабли, неонатал даврдаги самарали ёрдам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...беш ёшгача бўлган болалар ўлимининг қарийб 45% янги туғилган чақалоклар ҳаётининг дастлабки 28 кунига тўғри келади...»¹. Бу борада, муддатига етилмай туғилган чақалокларда критик ҳолатларни келтириб чиқарадиган касалликлар орасида етакчи ўринни, оғир нафас етишмовчилигига олиб келадиган респиратор дистресс-синдром (РДС) эгаллайди. Сўнгги пайтларда, РДСнинг нохуш оқибати муаммоси фаол ўрганилиб, улардан бири бронх-ўпка дисплазияси (БЎД) бўлиб, унинг диагностикаси ва даволаш муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо ҳисобланади. Шу жиҳатдан БЎДни ташхислаш ва даволашдаги тажрибаларга қарамай, касалликни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини самарадорлигини оширишни тақазо этмоқда.

Жаҳонда РДСнинг келиб чиқиши, кечиш вариантлари, даволаш ва оқибатлари механизмларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, муддатига етмай туғилган чақалокларда РДС нинг келиб чиқиш хавф омилларини ва ўпкада патологик жараённинг шаклланиш механизмларини аниқлаш, чақалокларда ўпка тўқимасини иккиламчи зарарланишини профилактикасини ўрганишда ютуқларга эришилишига қарамай, ҳозирги кунда бу масалада кўшимча тадқиқотлар талаб қиладиган муҳим муаммолар мавжуддир. Неонатологларнинг кенг доираси ушбу касаллик ҳақида етарли даражада хабардор эмас, бу кўпинча беморларни ташхислаш ва даволашда хатоликларга олиб келмоқда. Шу сабабли, янги туғилган чақалокларда нафас етишмовчилиги ва бронх-ўпка дисплазиясининг ривожланишининг муҳим омилларини ўрганиш неонатология соҳасида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий ҳизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, неонатал даврдаги касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «...диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устивор вазифалар белгиланган. Бу борада неонатал ўлимни олдини олиш, клиник-функционал белгиларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг инновацион самарали усулларини ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланиб

¹Progress in Partnership: 2017 Progress Report on the Every Woman Every Child Global Strategy for Women's, Children's and Adolescents' Health WHO/FWC/NMC/17.3

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантирига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш йўли билан гўдаклар ҳаёт сифатини ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа перинатал тиббиёт ассоциацияси ҳомийлигида Европа эксперт – неонатологлар коллегиясининг нашр этилган янгиланган тавсияларида БЎД диагностикаси ва даволашдаги етакчи йўналишларга алоҳида эътибор қаратилади (Межинский С.С., Карпова А.Л., ва б., 2019, Sweet D.G., Carnielli V., Greisen G., Hallman M., Ozek E., et al. / European Consensus Guidelines of management of RDS – 2019).

Хорижий адабиётлар маълумотларида кўрсатишича, ҳозирги кунда дунёда янги туғилган чақалоқларда нафас етишмовчилигини ривожланиш устувор омилларини аниқлаш, неонатал ва кейинги ёш даврларида оқибатларини башорат қилиш; БЎД ривожланиши патогенетик хусусиятларини аниқлаш; неонатал даврда нафас етишмовчилигини ўтказган болаларда асоратларини олдини олиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, болаларда РДС ривожланиши патогенези ва бронх-ўпка дисплазияси асорати етарлича ўрганилган, аммо сўнгги ўн йиллар ичида перинатал ёрдам ва респиратор даволашда эришилган ютуқлар туфайли БЎДнинг клиник характеристикаси ва кечиши сезиларли даражада ўзгарди (Овсянников Д.Ю., 2016; Панов П.В., 2016; Abman S.H., Bancalari E., Jobe A., 2017). РДС билан туғилган чақалоқларга перинатал ёрдам кўрсатишдаги сўнгги ютуқларга қарамай, ушбу касалликнинг бир қатор терапевтик ва профилактик стратегиялари тўғрисида ҳали ҳам қарама-қарши фикрлар мавжуд.

Ҳозирги кунда муддатдан олдин туғилган чақалоқларда РДС иммунопатогенезини ўрганиш айниқса долзарб муаммо ҳисобланади. Унинг

шаклланишини алвеоло-ангиогенез жараёнларининг тугалланмаганлиги фонида кўп сонли пренатал ва постнатал омилларнинг таъсири туфайли ўпканинг ривожланишининг бузилиш билан боғлиқлик аниқланган (Stark A., Dammann C., 2018). БЎД – яллиғланиш ва яллиғланишга қарши механизмлар дисбаланси натижаси эканлигига исботлар мавжуд (Лебедева О. В., 2012, Bhandari A., Bhandari V., 2013). Замонавий маълумотларга кўра чақалокларда, айниқса, гестация муддати кичик бўлган чақалокларда цитокин ҳолати кўрсаткичларини баҳолаш ва талқин қилишда зиддиятли мулоҳазалар мавжутдир (Rivera L; Siddaiah R, Oji-Mmuo C. et all. 2016). Шу муносабат билан, БЎД ривожланишини башорат қилиш учун хавф омилларини шаклланишининг иммуногенетик ривожланишини ўрганиш илмий ва амалий қизиқиш уйғотади (Сахипова Г.А 2014, Панченко А.С. 2017). Кўпчилик тадқиқотчилар БЎД ни генетик мойиллиги бўлган мультиорган ва кўп омилли касаллик деб ҳисоблайдилар (Прометной Д.В., Александрович Ю.С., 2017; Rivera L., Siddaiah R., 2017; .Keller R.L., Feng R., DeMauro, 2017; Jo HS, 2014). РДС оқибатларини башорат қилиш ва муддатига етмай туғилган чақалокларда БЎДнинг ривожланиши бўйича илмий тадқиқотлар санокли бўлиб, прогноз қилишнинг айрим қирраларинигина ёритиб берилган (Wong J.J., Jit M., Sultana R., Mok Y.H., 2017).

Шу таъкидлаш жоизки, БЎДнинг шаклланиш предикторларини аниқлаш, босқичма-босқич ташҳислаш ва даволаш бўйича клиник қарорлар қабул қилиш учун РДСли кам вазнли янги туғилган чақалокларда ўпка зарарларини хавфини башорат қилишга имкон берадиган объектив мезонларни белгилашни тақазо этади.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий- тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий ишлар режасига мувофиқ ПЗ-2017092318 «Янги туғилган чақалокларда патологик ҳолатнинг детерминантидан келиб чиқиб бронх-ўпка дисплазиясини дифференцирланган даволаш ва профилактикаси усулларини ишлаб чиқиш» (2018-2020йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади муддатига етмай туғилган чақалокларда респиратор дистресс-синдроми ва унинг асорати бронх-ўпка дисплазияси ривожланишининг баъзи клиник-биокимёвий жиҳатларини ўрганиш ва прогностик мезонларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

муддатига етмай туғилган чақалокларда респиратор дистресс-синдроми ва унинг асорати бронх-ўпка дисплазияси ривожланишининг перинатал хавф омилларини баҳолаш;

респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалокларда бронх-ўпка дисплазияси клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш;

респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда бронх-ўпка дисплазияси ривожланишида иммунологик омиллар ролини аниқлаш;

респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда бронх-ўпка дисплазияси ривожланишида пневмопротеинлар аҳамиятини аниқлаш;

респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда бронх-ўпка дисплазияси ривожланишида прогностик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика перинатал марказда даволанаётган 140 нафар респиратор-дистресс синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқлар ва 30 нафар муддатига етмай туғилган шартли соғлом чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва иммунологик текширув учун периферик қони ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, махсус инструментал (ички аъзолар УТТ, НСГ, МСКТ, рентген), биокимёвий (пневмопротеинлар, Клар хужайралари оксили), иммунологик (яллиғланиш ва яллиғланишга қарши цитокинлар, қон-томирлар эндотелийси ўсиш омили) ва статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор дистресс-синдроми ва унинг асорати бронх-ўпка дисплазияси ривожланишида муҳим перинатал ҳамда диагностик ва баъзи патогенетик устивор омиллар аҳамияти исботланган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор-дистресс синдром ва унинг оқибати БЎД ривожланишида яллиғланиш цитокинлари миқдорининг ошиши ва қон-томирлар эндотелийси ўсиш (VEGF) омилларини камайиши асосланган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор-дистресс синдром оқибати БЎД ривожланишида пневмопротеинлар пасайишининг диагностик аҳамияти исботланган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор-дистресс синдроми ва унинг оқибати БЎДни ривожланишини эрта аниқлаш ва башоратлаш бўйича клиник -биокимёвий мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муддатига етмай туғилган респиратор-дистресс синдромли чақалоқларда БЎД ривожланиши хавф омиллари ва патогенетик жиҳатлари асосланган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда гестация муддати ва тана вазнига кўра респиратор-дистресс синдроми ва унинг оқибати БЎД ривожланишининг клиник-биокимёвий хусусиятлари асосланган;

респиратор-дистресс синдромили муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишининг иммунологик (цитокинлар- IL-1 β , IL-6 и TFN- α , IL-4 и VEGF) ва биокимёвий(пневмопротеинлар -SP-D, CC16) диагностик мезонлари асосланган;

респиратор-дистресс синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини башоратлаш бўйича дастурий махсулот асосида эрта баҳолаш тартиби очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, олинган маълумотлар РДС ва унинг оқибатида БЎДси ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, шу жумладан неонатал даврда муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ташхиси ва башоратининг клиник ва патогенетик мезонлари ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиради ва илмий натижалар педиатрия соҳасида илмий тадқиқотларнинг такомиллаштиришнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини эрта ташхислаш ва башоратини самарадорлигини оширишга имкон бериб, муддатига етмай туғилган чақалоқлар ҳаёт сифатини оширишга, болалар орасида касалланиш ва ногиронликни камайтириш, шунингдек, неонатал ва болалар ўлимини камайтиш имкони яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда респиратор дистресс-синдроми ва унинг оқибатлари ривожланишининг клиник-биокимёвий жиҳатларини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида:

муддатидан олдин туғилган чақалоқларда нафас бузилиши синдромининг клиник белгиларига қараб баҳолаш ва самарали ташхислаш бўйича амалга оширилган илмий натижалар асосида «Чақалоқлик даврида респиратор-дистресс синдромни ўтказган кичик ёшли болаларда бронх-ўпка дисплазиясини башорат қилиш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 8нр/383-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларга тадбиқ қилиниши натижасида БЎДнинг белгиларини эрта аниқлаш ва башоратлаш имконини берган;

чақалоқларда нафас етишмовчиликлари респиратор дистресс-синдром ва унинг оқибатларини даволаш орқали амалга оширилган илмий натижалар

асосида «Респиратор дистресс-синдромили кам вазли чақалоқларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш тамойиллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 4 декабрдаги 8нр/563-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома тадбиқ қилиниши натижасида муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг клиник ҳолатини яхшиланишига, БЎДли болаларга самарали шошилишча ёрдам кўрсатиш имконини берган;

муддатига етмай туғилган чақалоқларда РДС ва унинг оқибатларини башорат қилиш, ташхислаш ва даволаш усуллари бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар амалиётга, жумладан, РИПИАТМ, Республика Перинатал Маркази, Наманган ва Хоразм Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 мартдаги 8нр/88-сон маълумотномаси). Таклиф қилинган усулларни тадбиқ қилиш натижасида ижобий натижаларга эришилган: муддатига етмай туғилган чақалоқларни стационарда даволанишини 3 ўрин-кунга қамайтириш, неонатал ўлимни 1,3 бараварга қамайтириш ва эрта неонатал даврда РДС ўтказган бир ёшгача болалар орасида 1,9 баробар ногиронликни қамайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика, 1 та хорижий, 1 та Scopus журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация ишининг долзарблиги ва талаб қилиниши, илмий ишланмаларни илм ва технологиянинг устувор йўналиши ривожланишига мослиги ёритиб берилган. Киришда ўтказилган тадқиқотларни долзарблиги ва талаб қилиниши, тадқиқот мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети характерланади, тадқиқотни натижалари ва илмий янгилиги баён қилинади, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр чоп этилган ишлар ва диссертацияни тузилмаси ёритилган.

Диссертациянинг **“Респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎДнинг ривожланиш генези ҳақидаги замонавий тасаввурлар”** деб номланган биринчи бобида респиратор дистресс синдромли чақалоқларда БЎД нинг шаклланишига мойилликнинг

биокимёвий омиллари ролини ўрганиш билан бирга унинг долзарблиги ва замонавий маълумотларига асосланган адабиётлар шарҳи ёритилган.

Диссертациянинг “**Чақалоқлар умумий характеристикаси ва тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи бобида материаллар ва тадқиқот усуллари ёритилган. Ушбу иш 2016-2020 йилларда РИПИАТМ ва РПМ да олиб борилган. РДСли 140 нафар чақалоқлар текширилган. БЎД ривожланишига кўра болалар 2 клиник гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни неонатал давр охирида БЎД ривожланган 34 нафар муддатига етмай туғилган чақалоқлар, 2-гуруҳни БЎД ривожланмаган 106 нафар чақалоқлар ташкил қилди.



1-расм. Чақалоқлар туғилгандаги гестация ҳафта муддати (%).

Туғилгандаги гестация ёши таҳлили 1-гуруҳда гестация муддати $29,4 \pm 1,9$ ҳафтани ташкил қилган, тана вазни ўртача $995,1 \pm 56,1$ гр бўлган чақалоқлар кўпроқ учради ва бу 82,8% ни ташкил қилди. 2-гуруҳда эса гестация муддати $32,1 \pm 1,3$ ҳафтани ташкил қилган, тана вазни ўртача $1638,4 \pm 109,3$ гр., бўлган чақалоқлар кўпроқ учради ва 77,6% ни ташкил этди. Назорат гуруҳини шартли соғлом бўлган, гестация муддати $32,4 \pm 1,4$ ҳафтани ташкил қилган, респиратор бузилишларнинг клиник белгиларисиз тана вазни $1900,0 \pm 156,6$ гр. бўлган муддатига етмай туғилган шартли соғлом болалар ташкил қилди.

РДС ривожланганлигини баҳолаш учун мослаштирилган Сильверман–Андерсен (Silverman W., Andersen D., 1956) шкаласидан фойдаланилди. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда умумий баҳолаш 4 баллни ташкил қилса-РДС 1 даражаси, 5-6 балл – РДС 2 даражаси, >6 балл–РДС 3 даражаси деб баҳоланади.

БЎД ташҳиси ҳаётининг 28 кунини давомида анамнез маълумотлари, нафас етишмовчилиги (тахипноэ, аускультацияда хириллишлар, нафас олишда кўкрак қафасининг ретракцияси ва бошқ.) билан бир қаторда хос бўлган рентгенологик ўзгаришлар ва кислородга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб туриши асосида қўйилди.

Махсус тадқиқотларга “Biovendor” (Чехия) фирмаси поликлонал антитаначалар реактивлар тўплами орқали ИФА усулида сурфактант оксили D (SP-D) ва Клар (БКК) ҳужайра оксилени аниқлаш киритилди;

Иммунологик тадқиқот усулларга «Human» МЧЖ (Германия) нинг стандарт тестлари ёрдамида интерлейкинлар (ўсма некроз омили -TFN-а, IL-1β ва IL-6), қон томир эндотелиал ўсиш омилини (VEGF) аниқлашни ўз ичига олган;

Олинган натижаларни статистик қайта ишланиши Microsoft Excel Version 7.0 математик-статистик таҳлил амалий дастуридан фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини башорат қилиш учун Visual Basic 6.0 алгоритм тилида дастур модули ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланиш хавфларининг ахамияти ва клиник характеристикаси”** деб номланган учинчи бобда оналарда ҳомиладорлик ва туғруқнинг кечиши, экстрагенитал патология ва онада акушерлик анамнези хусусиятлари ёритилган. РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланиш хавф омилларини ўрганишда оналарда сийдик йўллари инфекцияси – пиелонефрит (35,2%), хориоамнионит (14,7%) ва ҳомилада гипоксия хавфни келтириб чиқарувчи анемия (70,5%) аниқланди.

Акушерлик анамнезининг таҳлили 1 гуруҳ чақалоқларда БЎД ривожланишига преэклапсия (41,2%), оператив туғруқ (32,4%) каби туғруқ даври патологиялари, ҳомила тушиш хавфи (47,0%), ва плацентанинг муддатидан олдин кўчишининг оғир даражаси (32,4%) ишончли кўпроқ учради. РДСнинг антенатал профилактикаси 1 ва 2- гуруҳда мос равишда 70,4% ва 44,2% ҳолатларда кузатилди.

Туғилгандаги тана вазни ўрганилганда экстремал кам вазнли болалар кўпроқ 1-гуруҳда (44,2%), жуда камвазнли ва камвазнли болалар эса (мос равишда 29,4% ва 26,4%) аниқланди. 2-гуруҳда камвазнли болалар кўпроқ - 64,2% учради. Текширилган болаларнинг саломатлик ҳолати таҳлил қилинганда, туғилгандаги тана вазни ва гестация муддати қанчалик кам бўлса, БЎД ривожланиш хавфи юқори бўлишини кўрсатди. Бу муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг етуклик даражаси ва РДС ривожланиши ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатди. Янги туғилган чақалоқлар жинси солиштирилганда, ўғил болалар БЎД ривожланишига кўпроқ мойиллиги аниқланиб 1-гуруҳдаги 61,1% ташкил қилди.

Болаларнинг туғилгандаги аҳволи Апгар шкаласи бўйича 1-гуруҳда - 32,4% ўта оғир ва 61,8% оғир деб, 2-гуруҳда ушбу ҳолатлар мос равишда 17,0% ва 68,3% деб баҳоланди. Сильверман бўйича нафас етишмовчилиги 3- даражаси 1 ва 2-гуруҳ болаларида 91,2% ва 28,8% ҳолатларда ($p \leq 0,01$) аниқланди. 1-гуруҳ болаларни реанимация бўлимида даволаниш давомийлиги 2-гуруҳга нисбатан 3,1 барабар кўпроқ давом этди ($28,6 \pm 2,3$ кун ва $9,3 \pm 2,2$ кун, мос равишда $p \leq 0,01$). Туғилганидан бошлаб асосий гуруҳдаги РДСли барча болалар СРАР аппарати ёрдамида бурун канюллалари орқали ижобий босим билан ўпканинг ноинвазив вентилляцияси ва ўпканинг сунъий вентилляцияси каби респиратор ёрдам муолажаси қўлланилди.

Аппарат билан вентиляциянинг ўртача давомийлиги 1 ва 2-гуруҳ болаларида мос равишда ўртача $30,5 \pm 2,6$ ва $10,5 \pm 2,8$ кунни ташкил қилди.

Қоннинг кислота-асос мувозанати назорати 1 гуруҳ болаларида рН-нинг ўртача қиймати ($7,18 \pm 0,05$) 2-гуруҳ болалари кўрсаткичига ($7,2 \pm 0,03$) нисбатан паст. Кислороднинг парциал босими 1-гуруҳ болаларида 2 болалар кўрсаткичига нисбатан камайган миқдорда бўлиб, мос равишда $40,6 \pm 1,5$ мм.сб.уст. ва $43,0 \pm 1,8$ мм.сб.уст. ни ташкил этди. Шунингдек, карбонат анагидриднинг парциал босими анча юқори эди ва мос равишда $60,2 \pm 0,9$ мм.сб.уст. ва $40,3 \pm 1,2$ мм.сб.уст. ни ташкил этди. Қондаги буфер асослари танқислигининг ўртача кўрсаткичлари ҳам 1-гуруҳ болаларида 2-гуруҳ болалари кўрсаткичига нисбатан анча кам бўлиб, мос равишда $-8,0 \pm 0,07$ ммоль/л ва $-4,9 \pm 0,04$ ммоль/л ни ташкил этди, бу эса декомпенсацияланган ацидоз ҳолатига ҳослиги билан изоҳланади. Қон газларидаги яққол патологик ўзгаришлар одатда, текширилган болаларда нафас олиш бузилишларининг оғирлигига мос келади.

Шундай қилиб, РДС ли янги туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишида анте-, интра- ва неонатал омиллар жумладан, онанинг касалликлари, туғилиш давридаги патологиялар, чақалоқнинг гестация ёши ва туғилгандаги тана вазни, Апгар ва Сильверман шкалалари бўйича боланинг аҳволи баҳоланиши, узок муддатли кислород терапия ўтказилиши, қон газларида ва кислота-асос мувозанатидаги ўзгаришлар энг муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Респиратор дистресс-синдромли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎДнинг ривожланишидаги иммунологик ва биокимёвий хусусиятлар”** деб номланган тўртинчи бобида РДС ва унинг асоратлари ривожланиш патогенетик механизмларини аниқлашнинг иммунологик ва биокимёвий тадқиқотлари натижалари келтирилган.

РДСли болаларда цитокинлар миқдори ўзгаришлари ҳаётининг 7 ва 28 кунлари баҳоланди. 1 - гуруҳ болаларида ҳаётининг 7 кунини яллиғланиш цитокинлари даражасининг сезиларли ортиши ИL-1b миқдори $14,8 \pm 1,3$ пг/мл, ИL-6 $-56,3 \pm 6,2$ пг./мл ва TFN-а $10,8 \pm 0,9$ пг/мл гача назорат гуруҳининг мос равишдаги $5,1 \pm 0,6$ пг/мл, $4,1 \pm 0,4$ пг/мл и $3,9 \pm 0,4$ пг/мл ($p \leq 0,01$) курсаткичларига нисбатан ортиши кузатилди. 2- гуруҳ болаларида ҳам ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ортди аммо уларнинг ортиши эътиборли эмас эди. Тадқиқотларимиз натижаси яллиғланиш цитокинларини 28-кунига ҳам иккала гуруҳда, айниқса 1 гуруҳ беморларида, миқдори юқорлигини исботлади.

Демак, БЎД ривожланиш жараёнида муддатига етмай туғилган чақалоқларнинг иммун тизимида яллиғланиш цитокинларини миқдорининг ишончли ошиши кузатилади (1-жадвал)

Улардан фарқли, яллиғланишга қарши ИL-4 кўрсаткичининг миқдори назорат гуруҳига ($87,7 \pm 7,8$ пг/мл) нисбатан 1-гуруҳда $26,3 \pm 2,5$ пг/мл гача, 2-гуруҳ болаларида $38,7 \pm 3,9$ пг/мл гача камайганлиги кўрсатди ($p < 0,001$).

Чақалоқларда цитокинлар миқдори (пг/мл)


Гуруҳлар	1 гуруҳ (n=34)		2 гуруҳ (n=106)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	7 кун	28 кун	7 кун	28 кун	7 кун	28 кун
IL-1 β	14,8 \pm 1.3* [^]	29,3 \pm 3.2 [^]	7,8 \pm 0.6*	11,4 \pm 0.9	5,1 \pm 0.6	7,4 \pm 0.6
IL-6	56,3 \pm 6.2* [^]	75,2 \pm 8.3 [^]	22,8 \pm 2.1*	33,3 \pm 2.8	4,1 \pm 0.4	8,2 \pm 0.9
TFN- a	10,8 \pm 0.9* [^]	39,2 \pm 3.01 [^]	7,3 \pm 0,6*	14,5 \pm 1,2	3,9 \pm 0,4	6,7 \pm 0,5
IL-4	26,3 \pm 2,5	30,6 \pm 2,9	38,7 \pm 3,9	56,3 \pm 5,7	87,7 \pm 7,8	98,7 \pm 8,9

Изоҳ: *- назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги ($p \leq 0,01$)

[^]- таққословчи гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан ишончилиги ($p \leq 0,01$)

Шундай қилиб, олинган натижалар IL-1 β , IL-6, TFN-a ва уларнинг антогонисти IL-4 нинг функционал ҳолати мувозанати тизимли равишда бузилишини кўрсатди. Янги туғилган чақалоқларда цитокинлар даражасини мажмуий аниқлаш клиник неонатологияда болаларда БЎД ривожланишида информатив мезон сифатида фойдаланиши мумкинлигини кўрсатди.

Нафас етишмовчилиги ва ўпка тўқималари шикастланишлари ёки унинг тикланиш жараёнлари динамикасининг яна бир муҳим белгиси қон томир эндотелийси ўсиш омилидир (VEGF). VEGF нафақат васкулогенез жараёнларига таъсир қилади, балки сурфактант секрецияси ва ўпка етилишига ёрдам беради. Текширувлар натижасида болаларнинг асосий гуруҳида VEGF миқдори 7 - кунга назорат гуруҳига нисбатан ишончли пасайганлиги аниқланди ва неонатал даврнинг якунига (28 кун) унинг миқдорини прогрессив равишда пасайишини кўрсатди ($p \leq 0,05$). 2-гуруҳ болаларида VEGF миқдори бироз ошди, аммо назорат гуруҳи кўрсаткичи нисбатига етмади. (2-расм).



2-расм. Текширилган чақалоқларда томирлар эндотелийси ўсиш омили- VEGF миқдори (пг/мл).

Муддатига етмай туғилган чақалоқларда РДСни оғирроқ кечишидаги VEGF миқдорини прогрессив камайиши ўпкаларнинг ўткир шикастланишига олиб келади. Ангиогенезни яллиғланиш билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигини VEGF ва яллиғланиш цитокинлари ($r = -0,79$; $p \leq 0,05$) орасидаги манфий корреляцион боғлиқлик исботлайди. Шунингдек, гестация ёши ва

VEGF орасида ҳам кучли корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Ушбу маълумотлар янги туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишида “васкуляр” гипотезанинг роли ва унга кўра альвеолалар ривожланишининг бузилиши билан кечадиган ўпка ангиогенези жараёнининг акс эттиради.

Пневмопротеинлар – яллиғланиш реакцияларининг модуляторлари бўлиб, нафас йўлларида апоптик ва некротик хужайралар сонини назорат қилади ва жароҳатдан кейин альвеолалар эпителийсининг тикланишига ҳисса қўшади.



3-расм. Текширилган чақалоқларда пневмопротеин - Сурфактант оксили-Д (SP-D) миқдори (нг/мл).

SP-D альвеолаларнинг яхлитлиги таъминлайди ва ўпка инфекциясига қарши ҳимоя учун зарур шарт-шароитларни яратади. 1-гуруҳ чақалоқларида ҳаётининг 7-куни SP-D кўрсаткичи 2-гуруҳ кўрсаткичига нисбатан ишончли паст бўлди. Динамикада SP-D кўрсаткичи БЎДли болаларда ҳаётининг 7-кунидаги кўрсаткичга нисбатан 28 кунига сезиларли пасайди. БЎДли 2-гуруҳ болаларида эса 28 кунги SP-D кўрсаткичи 401,2±38,9 нг/мл гача ортди лекин назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан паст эди. Бу БЎД ли болаларда ўпка эпителиysi ушбу оксилларни ишлаб чиқишга қодир эмаслигидан далолат беради (3-расм).



4-расм. Текширилган чақалоқларда Клар хужайралари оксили миқдори (нг/мл).

Текширувлар натижасида SP-D кўрсаткичи миқдорини IL-1β яллиғланиш цитокини ва PCO₂ даражаси билан ўзаро тескари боғлиқлиги аниқланди.

Клар хужайраси оксиллари терминал бронхиолаларни қоплайдиган Клар хужайраларида ҳосил бўлади. Клар хужайралари бронх-ўпка эпителийсини тикланишида ўзак хужайралари сифатида ишлаши аниқланди.

Ушбу болаларнинг қон зардобидаги Клар хужайралари оксиллари даражасини баҳолаш, 1-гуруҳдаги чақалоқларда ушбу оксилнинг миқдори 2-гуруҳдаги чақалоқларга қараганда анча пастлигини кўрсатди (p<0,01). Корреляцияли таҳлил Апгар шкаласи баллари ва Клар хужайралари оксиллари орасидаги бевосита тўғри кучли боғлиқлик мавжудлигини аниқлади (r=+0,71; p<0,05) (4-расм).

Диссертациянинг “РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини башоратлашни математик моделлаштириш” деб номланган бешинчи бобида РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланиши патогенези ва математик модели ёритилган.

Анте-, интра- ва неонатал омиллар ва биокимёвий кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда БЎД турли оғирлик даражалари ривожланиши патогенези схемаси ишлаб чиқилди. Тадқиқотларимиз натижалари РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини схематик тарзда тақдим этиш имконини берди (5-расм).



5-расм. Янги туғилган чақалоқларда турли оғирлик даражасидаги БЎД патогенези схемаси.

Олинган натижалар асосида РДСли муддатига етмай туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини башоратлаш математик модели ишлаб чиқилди. Унда энг ахамиятли омиллар ва клиник-лаборатор кўрсаткичлардан

гестация муддати 30 ҳафтадан кам, хориоамнионит, онанинг инфекциялари, экстремал кам вазлик, ЎСВ 14 кундан ортиқ давомийлиги, кислороднинг юқори даражадаги концентрацияси аниқланган.

Клиник мезонлар	Лаборатор мезонлар
$\text{Prog(L)} = 0,2799 + 0,0634*Y_{12} - 0,2339*Y_{18} + 0,4527*Y_{19} + 0,1206*Y_{20} - 0,0817*Y_{25} + 0,1534*Y_{27} - 0,0658*Z_{24} - 0,0744*Z_{26} + 0,1439*Z_{28} + 0,0370*Z_{39} + 0,1153*Z_{50}$	$\text{Prog (Kl)} = 0,1856 - 0,0021*X_2 + 0,0215*X_{13} + 0,0200*X_{14} + 0,0110*X_{15} + 0,0995*X_{16} + 0,0153*X_{29} - 0,0014*X_{39} + 0,0214*X_{43} + 0,0027*X_{44}$
30 ҳафтадан кам бўлган гестацион ёш	IL-1b
Хориоамнионит, онадаги инфекциялар	TNF-a
Туғилгандаги экстремал кам тана вазни (1000 гр кам)	IL-6
14 кундан ортиқ қўлланилган ЎСВ, назал СРАР, нафас олгандаги кислороднинг юқори концентрацияси	VEGF
	SP-D

6-расм. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда БЎД ривожланишини башорат қилишнинг математик модели.

Математик моделларни куриш қонуниятини аниқлашда регрессион тахлилдан фойдаланилди. Бунда ресрессион тахлил асосий усули бўлган энг кам квадратлар усули қўлланилади.

Касалликнинг оғирлик даражаси ва оқибатлари моделини куришда уларнинг самарадорлиги шарти t-мезонига мувофиқ $p < 0,05$ даражасидан паст бўлмаган параметрларга ўрнатилди.

Олинган моделнинг самарадорлиги РДСли 140 нафар муддатига етмай туғилган чақалоқларда синовдан ўтказилди. Бунда БЎД башорат қилинган оқибати 34 нафар чақалоқларда келиб чиқади.

Шундай қилиб, чақалоқларда РДС оқибатини ва БЎД ривожланишини аниқлаш учун ишлаб чиқилган башоратлаш моделини амалиётга жорий қилиш реанимация ва интенсив терапия бўлимига келган чақалоқларнинг аҳволини тўғри баҳолашга ёрдам беради, шунингдек, ножўя оқибатлар хавфи юқори бўлган чақалоқлар гуруҳини ўз вақтида аниқлашни таъминлайди.

ХУЛОСА

1. РДСли чақалоқларда БЎД ривожланишида энг муҳим анте-, интра- ва неонатал омиллардан оналарнинг касалликлари (анемия – 70,5%), СЎИ- (35,2%), хориоамнионит (14,7%), презклампсия (41,2%) ва плацентани вақтидан олдин кўчиши (32,4%), ҳомила тушиш хавфи (47,0%), гестация ёши – 30 ҳафтадан кам ва экстремал кам вазлик (47,2%) ҳисобланади.

2. БЎД ривожланиши хавфи бўлган болаларда асфиксиянинг оғир

даражаси белгилари (Апгар шкаласи бўйича – 5 баллдан кам бўлган) ва нафас етишмовчилиги (Сильверман шкаласи бўйича 7 баллдан юқори) намоён бўлади, бу эса узоқ муддатли (14 кундан кўп) респиратор қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатди.

3. РДС ли чақалоқларда БЎД намоён бўлишида гестация ёшидан келиб чиққан ҳолда яллиғланиш цитокинлари IL-1 β (14,8 \pm 1,3пг/мл) ва IL-6 (56,3 \pm 6,2пг/мл), TFN- α (10,8 \pm 0,9пг/мл) сезиларли даражада ортиши қайд қилинди.

4. VEGF ($p \leq 0,05$) миқдорини пасайиши ўпканинг альвеоляризацияси ва ангиогенезнинг бузилиши ва БЎД шаклланишига олиб келади. Ҳаётининг 7 кунда қон зардобида VEGF миқдори пасайиши (201,9 \pm 19,3нг/мл) РДСли болаларда БЎД прогностик ривожланиши мезонлари ҳисобланади.

5. Респиратор дистресс-синдромли чақалоқларда БЎД ривожланиши ахборотли биокимёвий маркерлари пневмопротеинлар (Д сурфактант оксили ва Клара ҳужайралари оксили) ҳисобланади. Муддатига етмай туғилган чақалоқларда қон зардобида SP-D миқдори 135,4 нг/мл дан кам ва БКК даражаси 1,9 нг/мл дан кам аниқланиши РДСнинг ноҳўя кечиши ва БЎД ривожланиши прогностик мезонлари бўлиб хизмат қилади.

6. Янги туғилган чақалоқларда РДС оқибати ва БЎД ривожланишининг оқибатларини аниқлаш учун ишлаб чиқилган прогностик моделни амалиётга жорий қилиш реанимация ва интенсив терапия бўлимига келган чақалоқларнинг аҳолини тўғри баҳолашга ёрдам беради, шунингдек, ноҳўя оқибатлар хавфи юқори бўлган чақалоқлар гуруҳини ўз вақтида аниқлашни таъминлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ**

МИРЗАХМЕДОВА ДИЛФУЗА МАРУФОВНА

**КЛИНИКО-БИОХИМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ
РЕСПИРАТОРНОГО ДИСТРЕСС-СИНДРОМА И ЕГО ИСХОДОВ У
НЕДОНОШЕННЫХ ДЕТЕЙ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PHD/Tib52.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре педиатрии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель: Салихова Камола Шавкатовна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: Агзамова Шоира Абдусаломовна
доктор медицинских наук, профессор
Дильмурадова Клара Равшановна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Центр развития профессиональной квалификации
медицинских работников

Защита диссертации состоится «14 декабря» 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Tib.29.04 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богитшамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № 592). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богитшамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «4» декабрь 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 119 от 4 декабрь 2021 года).



А. В. Алимов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

К. Н. Хаитов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
учёной степени, доктор медицинских наук, профессор

Д. И. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёной степени,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире самый высокий риск смерти ребенка наблюдается в течение первого месяца жизни, когда решающее значение имеют безопасные роды и эффективная помощь в неонатальный период. По данным ВОЗ, «... в структуре смертности детей до 5 лет 45% приходится на смертность новорожденных в первые 28 дней жизни...»¹. Среди заболеваний, приводящих к критическим состояниям у недоношенных новорожденных, одно из первых мест занимает респираторный дистресс-синдром (РДС).

В последнее время активно изучается проблема неблагоприятного исхода РДС, одним из которых является бронхолегочная дисплазия (БЛД), диагностика и лечение которой остается сложной медико-социальной проблемой. Это заболевание оказывает неблагоприятное влияние на дальнейший прогноз жизни и здоровье таких недоношенных детей в другие возрастные периоды. Распространенность БЛД остаётся высокой среди выживших новорожденных с 23-29 недельным сроком гестации. Максимальная частота возникновения БЛД отмечается у детей с очень низкой и экстремально низкой массой тела при рождении, которым требовалось проведение ИВЛ. Летальность среди этой группы пациентов составляет 44,4% (Овсянников Д.Ю., Панов П.В. 2016). В связи, с чем необходимо изучение новых патогенетических механизмов, диагностических и лечебных подходов данного заболевания.

В мире проводятся научные исследования, направленные на изучение механизмов возникновения, вариантов течения, лечения и исходов РДС. Однако, углубленные исследования по выявлению факторов риска и механизмов формирования патологического процесса в легких, объективных ранних методов диагностики, патогенетически обоснованных методов терапии и профилактики вторичных поражений легочной ткани у новорожденных до настоящего времени окончательно не решены. Широкий круг неонатологов недостаточно осведомлен о данном заболевании, что приводит нередко к ошибкам в диагностике и тактике ведения больных.

В этой связи, изучение значимых факторов риска развития РДС и бронхолегочной дисплазии у недоношенных новорожденных представляет большой интерес. В настоящее время установлено достаточное количество факторов риска и предикторов развития БЛД, однако большинство из них обладают низкой прогностической способностью, в связи с чем проблема выявления относительно доступных и высокоэффективных маркеров ранней диагностики заболевания требует дальнейшего исследования.

В нашей стране в реформировании системы здравоохранения особое внимание отводится охране материнства и детства, рождению здоровых

¹ Progress in Partnership: 2017 Progress Report on the Every Woman Every Child Global Strategy for Women's, Children's and Adolescents' Health WHO/FWC/NMC/17.3

© World Health Organization (acting as the host organization for the Partnership for Maternal, Newborn & Child Health) 2017.

детей и формированию здорового поколения. В связи с этим, актуальными задачами являются предотвращение неонатальной смертности и повышение качества жизни младенцев путем оказания специализированной медицинской помощи с разработкой и широким применением современных высокотехнологических методов диагностики и лечения.

Данное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», №ПП-4847 от 2 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления сферой здравоохранения», №ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики IV «Медицина и фармакология»

Степень изученности проблемы. По данным зарубежной литературы, в настоящее время в мире ведутся масштабные работы по определению приоритетных факторов развития респираторных нарушений у новорожденных, прогнозированию их исходов в неонатальном и в последующие возрастные периоды; выявлению патогенетических особенностей развития БЛД; разработке эффективных методов лечения и реабилитации детей с последствиями перенесенных в неонатальном периоде явлений респираторных нарушений.

